

II. САНОАТ


2018 йилнинг январь-декабрида саноат маҳсулоти ҳажми 10563,1 млрд. сўмни ёки ўтган йилнинг шу даврига нисбатан ўсиш суръати 104,1 фоизни ташкил этди.

Хисобот даврида 1665,7 млрд. сўмлик истеъмол товарлари ишлаб чиқарилиб, 2017 йилнинг январь-декабрига нисбатан 112,4 фоизни ташкил этди. Жумладан, 884,2 млрд. сўмлик озиқ-овқат маҳсулотлари, 663,1 млрд. сўмлик ноозик-овқат моллари ва 118,4 млрд. сўмлик вино-ароқ маҳсулотлари (2017 йил январь-декабрига нисбатан мос равишда 100,6 фоиз, 133,3 фоиз ва 113,1 фоиз) ишлаб чиқарилди.

Жами саноат ишлаб чиқариш ҳажми ўсишининг асосий омили бўлиб, ишлаб чиқарадиган (қайта ишлаш) саноатда ишлаб чиқариш ҳажмининг 2,7 фоизга, тоғ-кон саноати ва очиқ конларни ишлашнинг 17,9 фоизга, электр, газ, буғ билан таъминлаш ва ҳавони кондициялашнинг 13,7 фоизга ҳамда сув билан таъминлаш, канализация тизими, чиқиндиларни утилизация қилишнинг 52,5 фоизга ўсиши ҳисобига кузатилган.

Тармоқлараро саноат кооперациясини ривожлантириш, тайёр маҳсулотлар, бутловчи қисмлар ва материаллар ишлаб чиқаришни маҳаллийлаштириш дастурини амалга ошириш доирасида тадбиркорлик субъектлари томонидан 2018 йилнинг январь-декабрь ойларида 3952,7 млрд. сўмлик маҳаллийлаштирилган маҳсулот ишлаб чиқарилди.

2018 йилнинг январь-декабрь ойларида иқтисодий фаолият турлари бўйича саноат ишлаб чиқариш таркиби



2018 йил январь-декабрида иқтисодий фаолият турлари бўйича саноат маҳсулотини ишлаб чиқариш

	млрд. сўм	<i>ўсиши суръати, фоиз ҳисобида</i>
Иқтисодий фаолиятнинг алоҳида турлари бўйича саноат маҳсулотлари ишлаб чиқариш ҳажми	10563,1	104,1
Тоғ- кон саноати ва очиқ конларни ишлаш	328,0	117,9
улардан:		
Нефть ва табиий газни қазиб олиш	244,9	124,3
Тоғ-кон саноатининг бошқа соҳалари ва ёпик усулда қазишга техник ёрдам кўрсатиш	83,1	100,4
Қайта ишлаш саноати	9589,7	102,7
ундан:		
Озиқ- овқат маҳсулотлари, ичимликлар ва тамаки маҳсулотлари ишлаб чиқариш	1218,4	104,8
Тўқимачилик маҳсулотлари, кийимлар, тери ва унга тегишли маҳсулотлар ишлаб чиқариш	907,4	123,0
Ёғоч ва пўқак буюмлар, похол ва тўқиши учун материаллардан буюмлар, қофоз ва қофоз маҳсулотлари, мебеллар ишлаб чиқариш	62,2	124,6
Ёзилган материалларни нашр қилиш ва акс эттириш	2,7	174,6
Кимё маҳсулотлари, резина ва пластмасса буюмлар ишлаб чиқариш	6799,9	96,8
Кокс ва нефтни қайта ишлаш маҳсулотлари ишлаб чиқариш	17,9	100,2
Асосий фармацевтика маҳсулотлари ва препаратлари ишлаб чиқариш	17,0	129,6
Бошқа нометалл минерал маҳсулотлар ишлаб чиқариш	319,9	98,1
Металлургия саноати	0,7	102,9

	млрд. сўм	ўсии суръати, фоиз ҳисобида
Машина ва ускуналардан ташкари тайёр металл буюмлар ишлаб чиқариш	20,9	187,7
Электр ускуналар ишлаб чиқариш	216,3	13,8 м.
Бошка тоифаларга киритилмаган машина ва ускуналар ишлаб чиқариш	2,8	104,6
Машина ва ускуналар таъмирлаш ва урнатиш	2,5	115,5
Бошқа тайёр буюмларни ишлаб чиқариш	1,1	68,2
Электр, газ, буғ билан таъминлаш ва ҳавони кондициялаш	526,0	113,7
Сув билан таъминлаш, канализация тизими, чиқиндиларни йиғиш ва утилизация қилиш	119,4	152,5
Истеъмол товарлари ишлаб чиқариш	1665,7	112,4
<i>ишу жумладан:</i>		
озик-овқат товарлари	1002,6	101,9
ноозик-овқат товарлари	663,1	133,3


Тоғ-кон саноати ва очик конларни ишлаш корхоналари томонидан 2018 йилнинг январь-декабрь ойларида ишлаб чиқарилган маҳсулотлар ҳажми 328,0 млрд. сўмни ёки жами ишлаб чиқарилган саноат маҳсулотлари ҳажмининг 3,1 фоизини ташкил этди.

Тоғ-кон саноатида ишлаб чиқарилган маҳсулотлар тури бўйича оҳактош қазиб олиш ҳажми ўтган йилнинг тегишли даврига нисбатан 36,7 фоизга, газ конденсати 6,9 фоизга ва табиий газ 6,5 фоизга ошганлигини кузатиш мумкин.

**Иқтисодий фаолият турлари бўйича саноат маҳсулотларини ишлаб чиқариш
(умумий ҳажмга нисбатан фоиз ҳисобида)**

2017 йил январь-декабрь

2018 йил январь-декабрь



Иқтисодий фаолият турлари бўйича саноат маҳсулоти турларини ишлаб чиқариш (йирик корхоналар бўйича)

	Ўлчов бирлиги	2018 йил январь-декабрь	2017 йянварь-декабрга нисбатан %
Тор- кон саноати ва очик конларни ишлари			
Табиий газ ишлаб чиқариш	млн.м.куб	6125,5	106,5
Оҳактош	минг тн.	187,2	136,7
Чақиқ тош (шебень)	минг тн.	-	-
Қайта ишлаш саноати			
Алкоголь маҳсулотлари	минг л. 100% спирт	4430,8	110,2
Юмшоқ буғдой ва спельта уни	минг тн.	79,2	107,9
Макарон маҳсулотлари ва шу каби хамирдан тайёрланган маҳсулотлар	тн.	2955,6	62,3
Биринчи навли ундан тайёрланган буғдой нони, оғирлиги 600 г. (буханка)	тн.	2566,6	79,7
Гуруч маҳсулотлари	тн.	5868,4	118,2
Тозаланган пахта ёғи ва унинг фракциялари (кимёвий модификация қилингандаридан ташқари)	тн.	11449,1	76,7

	Үлчөв бирлиги	2018 йил январь- декабрь	2017 й январь- декабрга нисбатан %
--	------------------	--------------------------------	---

Йирик шохли қорамоллар учун тайёр омухта ем маҳсулотлари	минг тн.	39,0	101,0
Пахта толаси	минг тн.	51,5	80,1
Пахта чигити	минг тн.	80,1	79,8
Пахта тивити (линт)	тн.	4266,0	69,8
Асосий ноорганик кимёвий моддалар (динатрий карбонати)	минг тн.	188,6	109,5
Полиэтилен	минг тн.	352,6	93,3
Полипропилен	минг тн.	93,2	99,0

Электр, газ, буғ билан таъминлаш ва ҳавони кондициялаш

Иссиқлик электр марказлари (ИЭМ) ишлаб чиқарган электр энергияси	млн.кВт/с	432,6	97,4
Буғ ва иссиқ сув (иссиқлик энергияси)	минг Гкал.	36,2	73,7

Сув билан таъминлаш, канализация тизими, чиқиндиларни йиғиш ва утилизация қилиш


Сувга ишлов бериш ва сув қувурлари бўйича тақсимлаш хизматлари	млн. сўм	28457,6	116,9
---	----------	---------	-------

Оқава сувларний ўқотиш, транспортировка қилиш ва ишлов ериш бўйича хизматлар	млн. сўм	4419,7	134,6
--	----------	--------	-------

2018 йилнинг январь-декабрь ойларида ишлаб чиқарадиган саноат корхоналари томонидан ишлаб чиқарилган маҳсулотлар ҳажми 9589,7 млрд. сўмни ёки жами ишлаб чиқарилган саноат маҳсулотлари ҳажмининг 90,8 фоизини ташкил этди.

Ишлаб чиқарадиган саноат таркибида юқори технологияли тармоқнинг улуши 0,2 фоизни, ўрта-юқори технологияли 73,0 фоизни, ўрта-қуий технологияли 3,9 фоиз ва қуий технологияли 22,9 фоизни ташкил этди.

2018 йилнинг январь-декабрь ойларида ишлаб чиқаришнинг технологик таркиби бўйича ишлаб чиқарадиган саноат таркиби



Ўз навбатида ишлаб чиқарадиган саноатда ўтган йилнинг мос даврига нисбатан кислород ишлаб чиқариш 36,9 фоизга, тозаланган гуруч 14,3 фоизга, ароқ 10,2 фоизга, пахтадан йигирилган ип 0,9 фоизга, карбонат динатрия 9,5 фоизга, юмшоқ буғдой уни 7,9 фоизга ошганлигини ва пахта толаси 19,9 фоизга, ўсимлик ёғи (тозаланган) 23,3 фоизга, буғдой нони 20,3 фоизга ва макарон маҳсулоти ишлаб чиқариш ўтган йилга нисбатан 37,7 фоизга пасайланлигини кузатиш мумкин.

Электр, газ, буғ билан таъминлаш ва ҳавони кондициялаш корхоналари томонидан ишлаб чиқарилган маҳсулотлар ҳажми 526,0 млрд. сўмни (жами ишлаб чиқарилган саноат маҳсулотлари ҳажмининг 5,0 фоизни) ташкил этди.

2018 йилнинг январь-декабрь ойларида саноатнинг мазкур тармоғида иссиқлик энергиясини ишлаб чиқариш ўтган йилнинг мос даврига нисбатан 26,3 фоизга электр энергияни ишлаб чиқариш 2,6 фоизга камайиши кузатилди.


Сув билан таъминлаш, канализация тизими, чиқиндиларни утилизация қилиш корхоналари томонидан ишлаб чиқарилган маҳсулотлар ҳажми 119,4 млрд. сўмни (жами ишлаб чиқарилган саноат маҳсулотлари ҳажмининг 1,1 фоизи) ташкил этди.

Ўтган йилнинг мос даврига нисбатан таркибида фора металлар бўлган иккиласми хом ашёни 78,7 фоизга, сувга ишлов бериш ва сув кувурлари бўйича тақсимлаш хизматларининг 26,4 фоизга, оқава сувоарни йўқотиш, транспортировка килиш ва ишлов бериш бўйича хизматларнинг 34,6 фоизга ошганлиги кузатилди.

Истеъмол товарлари ишлаб чиқариш


Тайёр маҳсулотлар турларини кенгайтириш ва ишлаб чиқарилишини қўллаб-куватлаш бўйича амалга ошириб келинаётган чора-тадбирлар натижасида истеъмол товарлари ишлаб чиқариш ҳажми 1665,7 млрд. сўмни ташкил этди ва 2017 йилнинг январь-декабрь ойларига нисбатан 12,4 фоизга ўсишини таъминлади, жами саноатдаги улуши эса 15,8 фоизни ташкил этди.

2018 йилнинг январь-декабрь ойларида истеъмол товарлари ишлаб чиқариш ҳажми ва ўсиш суръатлари



2017 йилнинг январь-декабрь ойларига нисбатан истеъмол товарлари таркибида ноозик-овқат товарлари ишлаб чиқариш улусининг 33,6 фоиздан 2018 йилнинг январь-декабрь ойларида 39,8 фоизга ошганлиги кузатилмоқда.

Йирик ва кичик бизнес субъектлари томонидан истеъмол товарлари ишлаб чиқариш таркиби, жамига нисбатан фоиз ҳисобида



Шаҳар ва туманлар бўйича саноат ишлаб чиқариш ҳажмлари


Республика саноат ишлаб чиқариш ҳажми таркибида энг кўп улуш Нукус шахри (жами ишлаб чиқариш ҳажмининг 72,1 %), Тахиатош (4,5 %), Хўжайли (3,2 %), Амударё (2,7 %) ва Мўйноқ (2,6 %) туманлари ҳиссасига тўғри келади.

Шунингдек, истеъмол товарлари ҳажмининг энг катта қисми Нукус шахри (жами истеъмол товарлари ҳажмининг 27,0 %), Хўжайли (11,1 %), Кўнғирот (9,0 %), Тўрткўл (8,9 %) ва Амударё (7,5 %) туманларида ишлаб чиқарилди.

Худудларнинг ишлаб чиқариш салоҳиятини ошириш бўйича амалга оширилаётган изчил чора-тадбирлар натижасида Қораўзак (128,4 %), Шуманай (127,1 %), Мўйноқ (124,6 %), Элликқалъа (122,8 %) ва Нукус (121,8 %) туманларида саноат ишлаб чиқариш ҳажмлари сезиларли даражада ошишига имкон берди.

Шу билан бирга, Қонликўл (148,7 %), Элликқалъа (142,0 %), Тахиатош (136,9 %), Шуманай (135,1 %) ва Кегейли (130,6 %) туманларида истеъмол товарлари сезиларли даражада ошди.

2018 йилнинг январь-декабрь ойларида шаҳар ва туманлар бўйича саноат ишлаб чиқариш ва истеъмол товарларининг ўсиш суръатлари (утган йилнинг тегишили даврига нисбатан, фоизда)




**Аҳоли жон бошига саноат маҳсулотлари ва истеъмол товарлари
ишлаб чиқариш**

	<i>Ишлаб чиқарии ҳажми, аҳоли жон бошига, минг сўм</i>		<i>Аҳоли жон бошига ишлаб чиқарии ҳажмларининг ўсиши суръатлари, %</i>	
	<i>саноат маҳсулотлари</i>	<i>истеъмол товарлари</i>	<i>саноат маҳсулотлари</i>	<i>истеъмол товарлари</i>
Қорақалпогистон Республикаси	5691,3	897,5	102,6	110,9
Нукус ш.	24345,4	1438,3	99,2	113,0
<i>туманлар:</i>				
Амударё	1493,6	644,4	111,5	111,8
Беруний	1286,5	665,0	109,7	99,8
Қонликўл	2787,6	627,0	109,4	146,9
Қораўзак	2702,1	942,1	127,2	129,3
Кегейли	1975,5	527,4	114,1	110,9
Қўнғирот	1713,7	1176,1	99,4	98,8
Мўйноқ	8749,0	588,7	123,0	116,0
Нукус	1020,7	626,8	119,5	104,5
Тахиатош	6533,4	1095,7	112,0	135,2
Тахтакўпир	652,9	494,9	110,6	117,8
Тўрткўл	1033,3	708,7	110,0	102,5
Хўжайли	2838,1	1535,9	110,0	99,9
Чимбой	1321,0	602,8	111,3	109,3
Шуманай	663,3	624,9	126,0	133,9
Элликқалъа	1128,9	685,0	120,4	139,1

Аҳоли жон бошига ўртача саноат маҳсулотлари ишлаб чиқариш кўрсаткичи бўйича энг юқори даражаси Қораўзак (2017 йил январь-декабрь ойларига нисбатан 127,2%), Шуманай (126,0 %), Мўйноқ (123,0 %), Элликқалъа (120,4 %) ва Нукус (119,5 %) туманларига тўғри келади.

Шунингдек, аҳоли жон бошига истеъмол товарлари ишлаб чиқаришнинг энг юқори кўрсаткичлари Қонликўл (ўтган йилга нисбатан 146,9 %), Элликқалъа (139,1 %), Тахиатош (135,2 %), Шуманай (133,9 %) ва Қораўзак (129,3 %) туманларига тўғри келди.


2018 йил январь-декабрь ойларида ахоли жон бошига тўғри келадиган саноат маҳсулотлари ишлаб чиқариш ва истеъмол товарларининг ўсиш суръатлари, ўтган йилга нисбатан фоиз ҳисобида



2018 йилнинг январь-декабрь ойларида тайёр маҳсулотлар, бутловчи қисмлар ва материаллар ишлаб чиқаришни маҳаллийлаштириш

Тайёр маҳсулотлар, бутловчи қисмлар ва материаллар ишлаб чиқаришни маҳаллийлаштириш дастурининг амалга оширилиши республика саноат маҳсулотлари ишлаб чиқаришнинг ривожланишига ўз таъсирини кўрсатди, мазкур дастур доирасида 3952,7 млрд. сўмлик маҳсулот ишлаб чиқарилган бўлиб, 386,2 млн. АҚШ доллари миқдорида маҳаллийлаштирилган маҳсулотлар экспорт килинди.

2018 йилнинг январь-декабрь ойларида тайёр маҳсулотлар, бутловчи қисмлар ва материаллар ишлаб чиқаришни маҳаллийлаштириш дастурининг асосий кўрсаткичлари



2018 йилнинг январь-декабрь ойларида маҳаллийлаштириш дастури доирасида ишлаб чиқарилган маҳсулотлар умумий ҳажмининг 99,6 фоизи Нукус шахри (3937,3 млрд. сўм) корхоналарига тўғри келади.